

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бектўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Рашидан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бектўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№2 (72), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 217 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

Solieva Z.Z. Effective methods of learning English language	89
Utbosarov A.U. Development of exercises for basic movements in youth	92
Xajjiyeva D.A. Boshlang'ich sinflarda ona tili fanini o'qitishda kompetensiyalarni qo'llashning dolzarbligi	94
Yusufova L.G. Application of distance learning in university education	97
Иманов Б.Б. Креативлик ва унинг муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти	99
Содиқова Д.Р. Узлуксиз таълим тизимида ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда шарқ мутафаккираларининг фаолиятдан фойдаланиш	102
Солаева М.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида интегралларни ўқитишда ноанъанавий услублар	105
Файзуллаев А.Ю. Умумтаълим муассасаларида ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишнинг афзалликлари	108
Холмирзаева Г. Мактабгача ёшдаги болаларда эртақ - тарбия воситаси сифатида	111
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Дехканова Н.А., Асланов Б.М., Камалова М.Б. Исследование физико-химические свойства азотных удобрений	114
Бабаев З.К., Матчонов Ш.К., Болтабаев Д.З., Матчонов Ш.Ш., Шакиров Б.М. Керамогранит олиш учун Оролбўйи минтақаси гилсимон хом ашёларини ўрганиш натижалари	118
Раджабов М.Ф., Латипов Б.А., Абдуллаева Г.У. Исследование влияния ультразвука в процессе осмотической сушки дыни	121
Асланов Б.М., Нодиров А.А., Камалова М.Б. Исследование свойств и химизма двойного суперфосфата	123
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ	
Салаева З.Ш. Внутрибольничная инфекция	127
Салаева З.Ш. Госпитальный сепсис у детей раннего возраста	129
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Muxammadieva S. Хожа Ahmad Yassaviy inson shaxsi shakllanishining pedagogik omillari haqida	131
Sobirov Q., Sobirov M. Surxon va Xorazm iqtisodiy-madaniy aloqalari tarixi sahifasidan	134
Zaripov S.D. Zarafshon vohasi dehqonchiligining tarixiy ildizlari: sug'orilishi, ziroatchilik xo'jaligi va an'anaviy agrotexnika	137
Абдуллоев Ш.Б. Девпарастиликни ўрганишда “Ясна” нинг аҳамияти	141
Алимова М.М., Мирзакулов Б.Т. Бухоро амирлигида маъмурий бошқарув	144
Бекимметов У. Советларнинг Хоразмда кулоқлаштириш сиёсатини ўтказиши ва унинг фожиали оқибатлари	149
Давлетов С. Проблемы водных ресурсов бассейна Аральского моря в контексте истории второй половины XX века	152
Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида кулчилик муносабатларининг тугатилиши	156
Зарипов Ж.Г. Сравнительный анализ промышленных миграционных процессов в 50-80 гг. XX в. в США и СССР	159
Қурбонов М.Н. Соҳибкирон Амир Темур тамғасининг тарихий манбаларда ёритилиши	163
Мирзаев Б. Шамсиддин Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	166
Нафиддинова Х.Р. Ихчам тўйлар – давр талаби	168
Ниязова М.Х. Ўзбек мотам маросимларида айтиладиган олқишлар	173
Остонова С.Н. Национальные традиции и ритуалы в современном Узбекистане	175
Раҳмонбердиева М. Заратуштранинг тўрт элемент назарияси ва унинг жаҳон фанига таъсири	179
Саидов И. М., Ахматкулов У.М., Абдусаломов У.С. Чакирикқача бўлган ёшларда ватанга содиқлик туйғуларини шакллантириш тамойиллари ва талаблари	182
Самандарова Н.Э. Тарихий роман: янгича таҳлил ва талқин эҳтиёжи	184
Сейтимбетова Н.М. Қорақалпоғистон Республикасида миллатлараро муносабатлар	188
Султонова Н.Ш., Наимова Н.О. “Саллабандон” маросими – оналик тимсоли	193
Тажиева У.Р. Хоразм воҳасида “табиат ва жамият” ўртасидаги муносабатлар тарихининг баъзи масалалари	196

учраб турибди. Оилавий ҳаётнинг гўзал бўлиши ҳар қандай дабдаба ва серчиқим харажатларга эмас, балки бир-бирини тушуниш ва илм эгаллашда эканлигини ҳамма ҳам англаб етмаяпти.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Ҳожи Муин. “Меҳнаткашлар товуши” 1919.22-март.
2. Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати. – Тошкент, 2019. –Б. 11.
3. Айний С. Эсдалиқлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж – Тошкенто: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 154.
4. Ҳожи Муин. “Меҳнаткашлар товуши” 1919.22-март.
4. Кўрсатилган асар.
5. Айний С. Эсдалиқлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж – Тошкенто: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 240.
6. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А.Каримов. Тошкент ш., 1998 йил 28 октябрь, ПФ-2100-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 203-модда)
7. Ўзбекистон Республикаси mfa.uz/uz/press/news/2019
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг кенгаши қўшма қарори.14.09.2019. № 2736-III/КҚ-592- III.
9. <https://kun.uz/uz/news/2020/06/04/>.

УЎК 81-13

ЎЗБЕК МОТАМ МАРОСИМЛАРИДА АЙТИЛАДИГАН ОЛҚИШЛАР

М.Х. Ниязова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқ мотам маросимларида айтиладиган олқишларнинг ишлатилиши тартиби ва уларнинг турлари ҳақида фикр юритилган. Бунда аввало ўзбек мотам маросимларида ишлатиладиган олқиш сўзларнинг генезиси масаласига муносабат билдиради.

Калим сўзлар: Олқишлар, мотам маросими, марҳумлар, дуо.

Аннотация. В данной статье рассматривается использование и виды аплодисментов в узбекских траурных церемониях. Прежде всего, это касается вопроса происхождения благопожеланий, используемых в траурных церемониях.

Ключевые слова: благопожелания, похороны, покойные, молитва.

Abstract. This article dealt with the usage of blessings and their types in Uzbek mourning ceremonies. First of all, it addresses the issue of the genesis of blessings used in Uzbek mourning ceremonies.

Key words: Blessings, funerals, deceased, supplication.

Ўзбек халқи орасида азага борганда айтиладиган олқишлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Улар кўпинча мотам маросими билан боғлиқ турли удумларни адо этиш жараёнида фоний дунёни тарк этиб, бақога юз тутган марҳумнинг у дунёсини тилаш, унинг руҳига осойишталик сўраш учун ҳамда ўз яқинидан жудо бўлиб, қаттиқ руҳий изтироб чекаётган аздорларга хотиржамлик тилаш мақсадида айтилади.

Мотам олқишларида кўпроқ марҳум руҳига тинчлик, хотиржамлик, жаннатдан жой тилаш маънолари етакчилик қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маросимларни ўтказиш билан боғлиқ жонли анъананинг сақланганлиги олқишларнинг яшовчанлигини таъминлаган муҳим омил ҳисобланади.

Марҳумнинг ўликлар маконига кириб бориши учун ҳам "сеҳрли сўз" -олқиш айтиш зарурий шарт деб қаралади ва мотам маросими жараёнида бунга жиддий эътибор қаратилади.

Халқ тасаввурига кўра, ўликлар эшитадилар, лекин кўрмайдилар. Учадилар, лекин юрмайдилар. Шу тасаввур-тушунчалар туфайли халқ эпик асарларида ўзга олам вакилларида Ялмоғиз кампир тимсоли бадиий талқин этилганлиги эртақшунос олимлар томонидан қайд этилади.[1] Жумладан, бу мифологик тимсолнинг халқ сеҳрли эртақларида ўзга маконга бориб қолган қаҳрамонни ҳидидан сезиб, пайпаслаб топиши ва бу ташрифдан ғазабланиб турганида қаҳрамоннинг "Ассалому алайкум" деб, одобнинг бошланишини ўзида ифода этувчи сеҳрли

сўзни айтгач, унинг шаштидан тушиши мотивлари айнан мана шундай тасаввур-тушунчаларнинг бадий талқини ҳисобланади.

Хуллас, сеҳрли сўз ҳақида эпик мушоҳада юритилиши халқ мотам маросимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Шунинг учун мархумнинг яқинлари ўзга олам вакилига айланган жигари учун ис чиқариб, олқиш ва бошқа поэтик айтимлар айтиб, унга мадакор бўлишни кўзда тутадилар.

Мархумлар учун ис чиқариб, олқиш айтиш ўзига хос ритуал тадбир сифатида ташкил қилиниши анъана тусини олган. Бу жараёнда қуйидагича олқиш айтилади:

Дуои исимизни худо даргоҳида қабул қилсин. Савоби азиз отажонимизнинг ҳамда шу манзил-маконда яшаб ўтган жамийки арвоҳларнинг руҳи покига тегсин. Уларни худо раҳмат қилсин.

Бундан кўринадики, мотам маросимида асосий диққат мархумга тинчлик, хотиржамлик, абадий уйқусида осойишталик, нариги дунёдаги ҳаётига маъмурлик, руҳига жаннатдан жой тилашга қаратилади. Д.Ўраева таъкидлаганидек: «Мархум руҳига олқишлар айтиш мотам маросимининг асосий моҳиятини ва вазифасини ташкил этади.»[2]

Мотам маросими олқишлари мотам маросимига боғлиқ тарзда вужудга келиб, у билан биргаликда яшайди ва унинг муайян бир қисмини ҳосил қилади Улар узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтган Ўлганлар руҳига олқиш айтиш одатининг шаклланишига қадимги аجدодларимизнинг исломга қадар бўлган анимистик тасаввур-тушунчалари асос бўлган. Мархумга аталган эзгу истакнинг амалга ошиши Оллоҳдан тиланади.

Б.Саримсоқов ўзбек халқ олқишларининг турлари, ижро ўрни хусусида тўхталар экан, "қабристон ёнидан ўтаётганда айтиладиган олқишлар"га алоҳида муносабат билдиради.[3] Лекин олим азага борганда ўқиладиган соф халқ олқишлари бизга қадар сақланиб қолмаган деб ҳисоблайди.[4]

Бироқ мотам маросимига алоқадор халқ ижоди намуналарини жиддий тўплаш, уларнинг жанрий таркибини белгилаш жараёнида азага борганда ўқиладиган соф халқ олқишлари борлиги тасдиқланди. Улар Б.Саримсоқовнинг «ҳақиқий халқона руҳда» деб қабристон ёнида ўтаётганда айтиладиган олқишлар мисолида келтирилган намуналаридан сира қолишмайди, ҳатто сўз таркиби ва бадиияти жиҳатидан анча мукамаллиги билан ажралиб туради. қуйида бу хил олқишларни ўзаро қиёслаб келтириш орқали бир-биридан фарқини аниқлаш мумкин:

-Омин, шу ерда ётганларнинг руҳи-арвоҳи шод бўлсин, худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатда бўлсин, оллоҳу акбар.[5]

Олқишдаги «шу ерда ётганларнинг» қаратқичли бирикмаси унинг айнан қабристонда ёки қабристон ёнидан ўтаётганда айтилишини билдириб турибди. Бу хил олқишлар мазмунан барча арвоҳларга бағишланган бўлади.

-Овмин, ғариқи раҳмат қилсин, ётган жойларини шохистаи жаннат қилсин. У дунёсини маъмур қилсин. Гўри нурга тўлиб, ётган жойи яхти бўлсин. Гўрида тинч ётсин. Арвоҳи шод бўлсин.Орқаси ярашсин. Изи тўйларга улансин. Тўйларга келайлик. Овмин, Оллоҳу Акбар!

Азахонага таъзия билдириш учун келганда айтиладиган бу хил олқишларда нутқ йўналиши ҳам мархум руҳига, ҳам унинг яқинлари эътиборига қаратилган бўлади. Уларда мархумнинг охириги манзил макони-гўри нурга тўлиб, ётган жойи ёруғ-бўлиши, пок руҳи жаннат деб аталувчи сўлим маъводан қўним топиши, у дунёси бахтли ва фаровон кечиши, арвоҳи шод бўлиб, тирикларни безовта қилмаслиги, бу ўлимнинг орқасидан энди тўйлар келиши, энди учрашганда ғам билан эмас, ўйин-кулги билан кўришиш тилаги асосий мотив ҳисобланади.

Азага борганда айтиладиган халқ олқишларида эзгу истак кўпинча мархумнинг ёшини инобатга олган ҳолда билдирилади. Масалан, кекса кишининг вақти соати етиб ўлим топиши ҳаёт конуни бўлгани учун бу ходиса у қадар фожиали қабул қилинмайди. Шу боис кексалар ўлимида айтиладиган олқишларда: «Шу кишининг ёшларига етиб юрайлик. Руҳлари ёру мадакор бўлсин. Ўлим эмас, буни тўй дейиш керак. Табаррук, табаррук!» дея алоҳида ургу берилади. Бироқ ёшлар ҳамда ўрта ёшли кишилар ўлими чуқур қайғу билан қабул қилинади ва бу лаҳзаларда мархумнинг яқин қариндошларига далда, тасалли бериб, кўнглини кўтариш

учун «Худо сабр берсин. Мархумнинг қолган умрини Сизга, бола-чақангизга қўшиб берсин. Худо раҳматига олгани рост бўлсин. Тош тушган жойига тушсин» каби олқишлар айтилади.

Демак, азага борганда ўқиладиган олқишларда, асосан, аздорларга ҳамдардлик билдирилиб, тасалли бериш мотиви етакчилик қилади.

Б.Саримсоқов: «Азага борганда...ҳозир фақат диний характердаги олқишлар айтиладики, улар тарихан мотам маросими билан алоқадор эмас», -деб кўрсатади.[6] Юқоридаги мисоллардан эса азага борганда фақат диний-Ислом дини таъсирида пайдо бўлган ва асосан «қуръон»нинг ихчам сураларидан иборат олқишлар[7] эмас, балки ҳақиқий халқона руҳдаги олқишлар ҳам айтилиши халқнинг маиший турмуш тарзида кузатилади.

Тўғри, олқишлар гарчи қадимги инсонларнинг сўз сеҳри ва анимистик тасаввур-тушунчаларига ишончи асосида пайдо бўлган эса-да, ислом дини ҳукмронлиги даврига келиб, улар исломга хос тасаввурлар ва эътиқодлар билан тўйиниб янада бойиди. Бу эса олқишларнинг маълум тараққиёт босқичини босиб ўтганлигини кўрсатиб туради. Ҳатто ислом дини таъсирида унинг муқаддас китоби «Қуръон»даги айрим ихчам ва кенг тарқалган суралари ўлим юз берганда фотиҳа-олқиш сифатида ўқиладиган бўшланди. Халқона руҳдаги олқишлар таркибида ҳам исломий тушунчаларни ифода этувчи диний унсурлар пайдо бўлди.

Хуллас, олқишлар мотам маросимининг мустақил зарурий узви сифатида ижро этилади. Уларнинг ижроси муайян эпик аъъанага асосланганлиги билан диққатни тортади. Олқишларнинг яна бир тури борки, улар узоқ вақт олдин ёш вафот этиб кетган кишининг фарзандига мархумни тириклигида яхши билган, яқиндан таниган киши томонидан айтилади: «Барақа топкур, отасига ўхшайди. Ўзи ўхшаса ҳам, умри, ёши ўхшамасин. Узоқ умр, битмас давлат берсин». Бу хил олқишлар аъъанавий маросимлар таркибида эмас, кундалик маиший ҳаётда айтилаверади.

Баъзан олқишлар йиғи ва йўқловлар таркибида мустақил мисраларни ташкил қилиб келади. Хусусан, йўқловларда улар кўп учрайди. Сабаби, мархумлар ҳақида ёмон гапириш ирим қилинади.

Шунинг учун йўқловларда мархум руҳи ёдга олинар экан, у олқишланади.

Бир умрга боқий кетган, отам-ей,
Сизни худо раҳмат қилсин, отажоним,
Ҳавзи кавсардан сероб қилсин, отажоним,
Ётган жойингиз беҳишт бўлсин, отажоним.

Бундан олқишларнинг мотам маросими таркибига нечоғлик сингиб кетганлигини, оммалашганлигини яна бир қарра англаб етиш мумкин. Умуман олганда, олқишлар мотам маросими таркибида маросимни ташкил қилишда, маросим иштирокчиларини руҳан яқинлаштиришда, инсоннинг инсонга самимий муносабатини, меҳр-мурувватини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки, с.57-59.
2. Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти. ДДА. Т, 2005, 31-бет
3. Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. Т; Фан, 1988, 138-бет.
4. Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. 1-том. Т; Фан, 1988, 139-бет.

УДК 811

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ И РИТУАЛЫ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ (на основе анализа концепта традиционного узбекского блюда «Плов»)

*С.Н. Остонова, преподаватель, Бухарский государственный медицинский институт,
Бухара*

Аннотация. Мақолада замонавий ўзбек этник маданиятининг миллий урф-одатлари, хусусан - "Ош" ўзбек миллий таомини тайёрлаш ва ушбу таом билан боғлиқ барча аъъанавий маданий жиҳатлар, рамзлар ва маросимлар ёритилган ва таҳлил қилинган.

Қалит сўзлар: миллий урф-одатлар, урф-одатлар, "Ош", маданий ва ижтимоий жиҳатлар, рамзлар, маросимлар.